

Yurt taraqqiyoti yo'liida birlashaylik!

Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqsa boshlagan

БУНЁДКОРЛИКДАН ТАФАККУР ЎЗГАРИШИ САРИ

2-саҳифада ўқинг



«ЎЗБЕКИСТОН – 2030»
СТРАТЕГИЯСИННИГ
УСТУВОР
ЙўНАЛИШЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ
ДОИРАСИДАГИ
ИШЛАРНИНГ БОРИШИ
ҚУРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
6 март куни иқтисодий
ривожланиш, самарали бошқа-
рув ва халқаро ҳамкорлик
масалалари бўйича маслаҳатчи
Сума Чакрабарти
билин учрашув ўтказди.

«Ўзбекистон – 2030» стратегия-
сининг бориши ва уни жорий йилда
амалга ошириш бўйича Давлат дасту-
рининг ижроси қўриб чиқилди. Ўз-
бекистоннинг ЖСТга кириш бўйича
музокаралар жараёни доирасидаги
ишларни фаоллаштириш, жумладан,
миллий норматив-хукукӣ хужжат-
ларни ташкилот талабларига ўйғун-
лаштириш масалалари муҳокама қи-
линди.

Ичимлик суви таъминоти, мактаб-
лар инфратизилмасини яхшилаш, он-
кологик қасалликларнинг олдини
олиш, давлат хизматидаги сифатни оши-
риш ва ракобатни таъминлаш борасидаги
лийхалар бўйича аниқ амалий
чораларни давом этириш зарурлиги
таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ин-
вестицийий жозибадорлигини оши-
риш, жумладан, инвесторлар хукуклари-
ни ҳимоя қилиш кафолатларини
кучайтириш масаласига эътибор
каратилди. Шу маънода, маслаҳатчи
илгор халқаро амалиётни хисобга ол-
ган ҳолда, тижорат низоларини ҳал
килишнинг аниқ механизmlарини
таклиф этди.

ЎЗА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРИДАГИ «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ» ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 марта куни Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Тошкент вилоятида 15 та туман ва 7 та шаҳар бор. Худуд куляй географик маконда, воҳа ва водий вилоятларини пойтахтимиз билан боғлайдиган муҳим транспорт ўйлагида жойлашган.

Лекин вилояting иқтисодий ривожи мавжуд салоҳиятга умуман мос эмас. На савдо, на ер-сув, на транспорт-транзит имкониятларидан тўла фойдаланилаштириш. Баъзи кўрсаткичлар бундан куляйликлар бўлмаган айрим чекка худудлардаги ҳам шаҳарни.

Танкидий руҳда ўтган йиғилишида ишга солинмаётган имкониятлар, бу борадаги сусткашликлар кўрсатиб ўтти.

Пойтахтимиз жадал ривожланаётгани ҳолда унинг ёнидаги вилоят худудлари бу суръатдан ортда қолмоқда. Масалан, Тошкент, Зангито, Кийрай, Юқори Чирчик, ўрта Чирчик туманларида саноат хажми ёндош пойтахт туманларига нисбатан бир неча баробар кам. Курилиш соҳасида ҳам шу ахвол.

Бир катор кичик тадбиркорлар фаролиятни тұхтатган. 29 та йирик корхонада ҳамда Бекобод ва Янгийўл шаҳарларида ишлаб чиқариш камайган. Вилоятда экин ерларни кўп бўла туриб, Андикон билан деярил бир хил

хажмада маҳсулот етишишилган.

Худудларнинг бор салоҳияти да-
ромадга айланмаяпти. Сабаби «ўсиш
нуқталари»ни топиш ва ишга солиш
бўйича ҳокимларда ташабbus етиш-
тириш. Айрим ҳокимлар ҳатто ўз худу-
дидага «пастга тушмаган», тадбиркорни
иссиҳоналарни кўпайтириш каби им-
кониятлар хисоб-китоб қилинган.

Оққўргонда саноат ривожланма-
гани сабабли кўплаб хотин-қизлар
Тошкент шаҳри ва бошқа туманларга
қатнаб, тўқимачилик корхоналарида
ишламоқда. Шундай корхоналарни тум-
андаги бўш бинолар ўрнида ташкил
килиш режалаштирилган.

Давлатимиз томонидан улар учун
барча имкониятлар яратилган. Ле-

кин ҳамма туманларда ҳам ривожла-
ниш бир ҳил эмас. Ҳусусан, Паркент,
Янгийўл, Чиноз ва Оққўргон туман-
ларида туризм, транзит ва иқтисодий
куляйликлар кўп бўлса-да, тараққиёт-
дан орқада. Шу боис, Президент топ-
шириғига мувоғиқ, улардаги ҳақиқий
ҳолат, имкониятлар ва тадбиркорлар-
нинг таклифлари ўрганилди.

Йиғилишда шу борадаги таҳлиллар,
мазкур туманларнинг «ўсиш нуқталари»
такдимот қилинди.

Жумладан, Паркент туманининг
хушманзара жойларига олиб бору-
вичи йўлларни таъмилраш, микро-
автобуслар катновини ташкил этиш,
йўл бўйида савдо ва хизмат кўрсатиши
шоҳобчалари куриш учун тадбиркор-
ларга ер ажратиб таклиф этилмоқда.
Паркентсоюз, Кизилсой ва Човлисой-
нинг муҳофаза ҳудудини аниқ белги-
лаш ва қирғозларни мустаҳкамлаш
орқали бўшайтириш ерлардан сама-
рали фойдаланиш ҳам мумкин.

Янгийўл туманида «Лойҳа» қила-
ман, инвестиция олиб келаман», деган
тадбиркорлар жуда кўп. Лекин лойхалар учун ер топиш муаммо. Шу
боис ҳозир бўйи турган ишоотда озиқ-
овқат ва гигиена маҳсулотларига ихти-
сослашган кичик саноат зонаси таш-
кил этиш кўзда тутилмоқда.

Чиноз туманида савдо-кўнгилочар
мажмуя ва замонавий балиқ бозори
барпо этиш, ўйл бўйида савдо ва хиз-
матларни кенгайтириш, хонадонларда
иссиҳоналарни кўпайтириш каби им-
кониятлар хисоб-китоб қилинган.

Оққўргонда саноат ривожланма-
гани сабабли кўплаб хотин-қизлар
Тошкент шаҳри ва бошқа туманларга
қатнаб, тўқимачилик корхоналарида
ишламоқда. Шундай корхоналарни тум-
андаги бўш бинолар ўрнида ташкил
килиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари туманлар

иқтисодиётини соғломлаштириш
бўйича чораларни кўрсатиб ўтди. Му-
тасаддиларга вилоятнинг барча ху-
дудларини шундай таҳлил қилиб, кўш-
каш «ўсиш нуқталари»ни аниқлаш,
даромад манбаларини кўпайтириш ва-
зифаси кўйилди.

Бу борада бир қатор режалар ҳам
бор. Ҳусусан, Оҳангарон туманида Ўз-
бекистон – Венгрия саноат зонаси таш-
кил этилиб, 100 миллион долларлик
пойхалар жойлаштирилади. Ангрен
эрқон иқтисодий зонасида майший
техника, металл прокат, мева-сабза-
вотни кайта ишлаш бўйича 400 мил-
лион долларлик, «Элтекс индустрис»
технопаркида 260 миллион долларлик
пойхалар амалга оширилади.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хори-
жий инвестициялар жалб қилиб, иқти-
садий-ижтимоий лойхаларни жадал-
лаштириш масалалари қўриб қилилди.
Пойтахтаги саноат корхоналарини
босқичма-босқич шаҳардан ташқарига
кўчириш режалаштирилган, бу Тош-
кент вилоят учун катта имконият
екани таъкидланди.

Ўзини ўзи банд қилган инсон-
ларнинг кичик бизнесга ўтиши,
фаолиятни тұхтатган тадбиркорлар-
нинг ишиниң янада тиклашига кўмакла-
шилади. Томоркаларда Чиноз тажри-
баси бўйича ихчам иссиҳоналар, ко-
операция асосида маҳсулотларни
сақлаш ва қайта ишлаш мажмуалари
ташкил этилади.

Шунингдек, жорий йилда маҳаллий
ва хорижий туристлар сонини 5 мил-
лионга, туризмда экспортни камида
300 миллион долларларга етказиш чора-
лари бўйича фикр алмашиди.

Хотин-қизлар ва ёшларни касбга
йўқитиш ҳамда бандлариги таъминлаш
масалаларига ҳам алоҳида эътибор
каратилди.

ЎЗА

Йиғилиш



ИСТИҚБОЛИ РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Санатор-курортлар бошқармаси
тизимидағи санаторийлар фаолиятининг
2023 йил якунлари ҳамда 2024 йилда
амалга оширилиши кўзда тутилган
режалар юзасидан йиғилиш ўтказди.



Унда бошқарма бошлиғи Анвар Аҳмедов
сўзга чиқиб, тизимидағи санаторийлар фао-
лиятини янада такомиллаштириш ва сама-
радорлигини ошириди юзасидан маъруза
қилди.

Таъкидланганнидек, айни вақтда Ўзбекис-
тон касаба уюшмалари Федерацияси тасар-
руфида 31 та санаторий бўлди, уларда 4
минг 110 нафар ходим (шундан 291 нафари
врач, 1002 нафари ҳамшира) фаолият юри-
тиб келмоқда.

Ўтган даврда бир нечта янги сиҳатгоҳ
ишга туширилди. Сурхон тог ёнбағирла-
рида кад ростлаган 7 каватли, 200 ўринга
мўлжалланган «Сангардак санаторийси»
шулар жумласидан.

(Давоми 3-саҳифада)





БУНЁДКОРЛИКДАН ТАФАККУР ЎЗГАРИШИ САРИ

Тошкентни яхши биладиган одамлар, албатта, «Ўқчи», «Эгарчи», «Олмазор» маҳаллалари ҳақида яхши тасаввурга эга. Ўтган асрнинг 80-йиллари сўнгида – «қайта қуриш» даврлари ва мустақилликнинг бошларида замон шарофати билан юзага чиққан кооператив ширкатлар ва майдо савдогарларга «кошкоралик тухфаси» сифатида берилган имконият ўлароқ шаклланган ўзига хос чайков бозори айнан шу маҳаллалар ҳудудига туташ катта жарликинг бир бикини – Навоий кўчаси ва Хадра майдонига яқин жойда қўним топганди.

Аввалига Тошкентдаги олий ўкув юртларида таҳсил оладиган хорижлик талабалар ва четдан майший моллар олиб келиб, иккى бараварига пуллайдиган ўзимизнинг «учар»лар танды курган айни бозор, очиги, ўзимизга ҳам жуда файзли ва хароратли кўринарди. Чунки бу ер узоқ йиллар ёник бўлган жамият учун глобал дунён, айниқса, Farb маданияти ва саноати имкониятлари ҳамда ўтукларини намойиш этарди гўё.

Озодликка эришганимиздан кейин ҳам ўн йиллар бу «тижорат қаторига» нисбати билан тилларда айлануб юрди.

Сўнгра пойтахт марказидаги айни «чандик» кимларнидир безовот қилид шекилли, бу ерда турнагатор қилиб тураржой бинолари қад ростлади. Аммо худди «инкубатор»дан чиққандай бир хил тусдаги бу иншотлар орти қандай бўлса, шундай ташландик жарлики «мақоми»да қолаверди. (Очиги, ўша қурилган уйлардан максад аслида хунук манзаралар кўздан пана килиш бўлганини бутун кўпчилки яхши билади). Энг ёмони, бу жой шаҳардаги бузиши-куриш ва бошқа саноати кўйимлари, майший чиқиндилар ташланадиган улкан ҳандакка айлануб қолди. Тасаввур килинг, мамлакат пойтахтининг қоқ марказида улкан чиқиндихона...

Тўғрилик, Бошкентнинг юраги, Янги Ўзбекистонимизнинг том маънода замонавий рамзига айлануб бораётган Tashkent City ўрни бундан атиги 6-7 йил илгари шундун, кўрганда кўзинга чўйдиган кададиган, дилингни коронги қиласидан, ҳалқона айтганда, гадой юрмас харобазор бўлганини ўз кўзи билан кўрмаган, билмаган одамга айтсан, ишонмайди.

Мен бу гапларни бекорга айтиётганим йўқ. Кече давлатимиз раҳбарни пойтахтимизда амалга оширилаётган кўришлар, жумладан, минақамизда муқобили йўқ бўлган Tashkent City Mall савдо-кўнгилочар марказини кўздан кетди.

У биз юқорида мухтасар хикоя қиласидан ҳудудда жойлашган. Очиг айтаман, мен Шавкат Мирзиёев билан жуда кўп сафарларда, учрашувларда биргэ бўлганман. Аммо шу мажмуяга келгандагидек кайфияти чоғ бўлганини, кўзлари кувончдан порлаганини махаллий бренд дўконлари ҳам мавжуд.

Комплекснинг кўнгилочар қисмида эса экстремал аттракционлар, виртуал муҳит зонаси, тренажёр зали, функционал (комплекс равишдаги) машқлар учун ихтиослаштирилган зона, аквазоналар, турух машқлари ва пилатес учун

Одамларки, илгаригилардан юриш-туриши, кайфияти, айниқса, юз-кўзларидаги қувончу самимият билан хийла фарқланади. Болалар ва ёшларнинг камда олиши ўта шахдам, атрофга, ҳаётга дадил боқади.

Бу кўтаринки умумкайфият Millatimiz Лидери кўнглига ҳам кўчди. Шавкат Мирмонович атрофдаги расмий кишиларнинг имо-ишорасига қарамай, ҳалқичига кириб кетди. Оддий одамлар, ёшлар, айниқса, болалар билан дилдан сухбат қилди, ҳамсұхбатларнинг кайфияти, дунёкараши билан қизиқди.

Манзара шундай эдик, Millat Лидери ўз ҳалқи орасида эди. Президентни фуқароларимиздаги дунёкараш, тафаккур тарзи ўзгараётгани хурсанд қилаётгандай эди, назаримда. Бу ҳақда кўйироқда тўхталашиб. Ҳозир эса одамга мана шундай ширин туйгулар улашган воқеага асос бўлган савдо маркази ҳақида кўрган-билганимизни қисқача баён қиласиди. Зотан, давлат раҳбари ташриф бўюрган экан, албатта, бунинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бирор киймати бўлади.

Мажмуя кўп функцияли. У «Вактаро саёҳат» номли З та ноёб атриумни ўзаро бирлаштирган бўлиб, ҳар қандай ташриф бўюргувчининг кўнглида беихтиёр Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти ва анъаналари ҳақида ёркин таасусрот қолдиради. Ҳудуддаги яшил муҳит эса комплекснинг интерьерига ўйқашиб, Tashkent City Park билан узвий боғланниб кетади.

Tashkent City Mall марказининг умумий майдони 250 минг квадрат метрдан иборат. Бу ерда замонавий тижорат ва хизмат турларини қамраб олган савдо дўконлари, ресторон ва кафелар, йирик кинотеатр ва спорт майдонлари жойлашган. Унинг ер остида эса 2500 сифимли 2 қаватли автотураргоҳ ҳам боради.

Айни вактда бу ерда дунёning энг машҳур брендлари — «Zara», «Zara home», «Massimo Dutti», «Oysho», «Bershka», «Stradivarius», «Pull&Bear» ҳамда «Union Space» ретейлерининг «Adidas», «Reebok» ва «Nike» шоҳобчалири очилган. Шунингдек, мажмууда моно ва махаллий бренд дўконлари ҳам мавжуд.

Комплекснинг кўнгилочар қисмида эса экстремал аттракционлар, виртуал муҳит зонаси, тренажёр зали, функционал (комплекс равишдаги) машқлар учун ихтиослаштирилган зона, аквазоналар, турух машқлари ва пилатес учун

студиялар, скалодром (қояга чиқиш машқлари учун махсус девор), фин саунаси ва криосауна, падел тенниси учун кортлар ҳамда болалар учун ўйин майдонлари ташкил этилган.

Айтиши жоизки, мажмуя бир кунда 60 минг кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Қувонарлиси, унинг ишга туширилиши натижасида қарийб 3 минг киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Бу шунча оиласининг рўзгорига барака кирди, дегани. Хуллас, бу ерда ҳалқимиз ва пойтакт меҳмонлар вақтини кизиклар үтказиши ҳамда мароқли дам олиши учун барча шароитлар яратилган.

Яна бир маълумот: мажмууга ёндош ҳудудда Tashkent City Mallning бир кисми ҳисобланган беш юлдузли меҳмонхона ҳам бор.

31 қаватдан иборат ушбу меҳмонхона бир вақтнинг ўзидаги 500 кишига хизмат кўрсатиш имконига эга. Унда юкори мартабали меҳмонлар учун барча шароитлар муҳаъә килиниб, 273 та стандарт хона ташкил этилиши режалаштирилган.

Меҳмонхонада, шунингдек, катта ва кичик конференциялар, заллари, очик ва ёпик сузиш ҳавазалари, ресторон ва кафетерия хизмат кўрсатади. Бинода замон талабига мос «Ақлли ўй» тизимида тезориар лифтлар ўрнатилган.

Меҳмонхона май ойда ишга туширилади. Пировардида яна 500 киши доимий иш ўрнига эга бўлади. Кимдир ёзган эди: Мустафо Камол Отатурк ҳалқка шяляп кийшини мажбурий қиласидан, кийимни эмас, руҳиятни ўзгартириши максад қиласидан ҳам буни фан исботлаган.

Отатурк Усмонли империясининг консерваториада қадриятларини ўзига мерос килиб олган замонавий Турк жамиятини шакллантиришича бу ўйлдан моҳирлик билан фойдаланган. Аммо ҳозир гап Туркни ҳақида ҳам, унинг атоқли ўйлабошчиси ҳақида ҳам эмас, гап ўзимиз ҳақимизда. Янги миллатиниломлантирадиган, қалбини завқ-шавққа тўлдирадиган, совет ва ундан кейинги замонларини хира хотириларидан чароғон манзиллар сари етакловчи, келажакка илҳомлантиручи амаллар ҳақида.

Ўз мөнгият-эътибори билан айни бўнада кўнгилочар ишларни ҳудуди Турк лидери Мустафо Камол тажрибасидек одамлар тафаккурини ўзгартиришига қараштирилган. Шунингдек, мажмууда моно ва махаллий бренд дўконлари ҳам мавжуд.

Илгари ҳам ёзганман. Бизда замонлардан кейинги замонларда

ҳам дунёкараш, айниқса, сиёсий зехнинят ўзгариши анча кийин кечди: давлат структуралари ва жамиятни ислоҳ килишида евроцентрик ғоялар, хис-туйғулар устуналар қиласидан ғоялар. Глобал дунё, айниқса, таракқий парвар маданиятлардан кўркув, замонавий тамаддунларга интеграция бўлишдан шубҳали хавотир бордек эди.

Бунданам тўғрироғи, Farb қадриятлари, айниқса, либерализми турлилаш-шуларга ўралашшиб вунонга ўтишади. Бу нафакат тизим ва жамиятдаги ислоҳотлар, ҳатто ижтимоий таъсирлардан ҳиля ҳоли бўлган соҳалар, масадан, оддигина меморчилик ва шаҳар-созлик соҳасидаги ҳам кўзга ташланди.

Тошкентда чорак аср мобайнида, ўтган асрнинг 90-йиллари бошидаги курилган «Миллий банк» ва «Интерконтиненталь» меҳмонхонасини ўз ичига олган ансамбл ва унинг бикинидаги «Дисней Ленд» болалар кўнгилочар ўйнингдидан бўлак, Farb анъаналари ва архитектурасини ўзидаги жамлаган, «озодлик илхоми» (модернизм) курдатини ўзидаги акс эттирадиган бирор иншоат барпо этилмади.

Баъдига шунингдек, катта ва санъат, жумладан, миллий зехнитимиз, тафаккуримизнинг шаклланшида психология муҳим роль ўйнайди. Буни фан исботлаган.

Мен юқорида Отатурк билан боғлиқ воқеалини бекорга келтирмадим. Чунки кучли лидерлар ҳар қандай «ўтиш давари»да асосий эътиборни ҳалқнинг, миллатиниломлантирадиган, жамиятнинг тафаккуруни ўзгартиришига, ўзи орзу қиласидан ҳам максадларга ўйнунлаштиришга ҳаракат киласиди, буни ислоҳотларининг пойдевори сифатида талқин этилади.

Шу майнона, бугун Ўзбекистонда кенг кулич ёйган улкан бунёдкорлик совет даврида бўлганидек, қўшинилар билан «кимўзар»га чиришни эмас, балки миллатимизнинг руҳиятни кўтариш, тафаккуруни янгилаш, бир сўз билан айтганда, биз дунёдаги хеч бир давлат ёки ҳалқдан кам эмасмиз, деган туйғуни одамларимиз қалбida алангалашибни мақсад қиласидан ҳам бўламан. Зотан, бунёд этилётган бу иншоатлар – ҳалқ учун, келажак авлод учун.

Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам борки, буняни айтиб ўтмасак, адатсизлик бўлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган шунчалик ишлар устига парда тортиб, фақат иллат ва камчилик кидирадиган бир қавм ҳам кейинги йилларда бизда шаклланди.

Факат ёмон дейиш, инкор қилиши, нолиш бундай одамларнинг асосий вазифасига айланиси колгандай гўё. Майли, тўғонни көфуз тўсиқ билан бўлмаганидек, Янги Ўзбекистонимизни Президент Шавкат Мирзиёев бошлаб бораётган ўйдан хеч нарса ортга қайтара олмайди. Муҳими, ҳалқимиз ўз Лидерига ишонади, уни кўллаб-кувватлайди. Энг асосийи, давлат ҳам, жамият ҳам улкан ўзгаришлар жараёнига кирди.

ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР СИҲАТГОХДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаси томондан аёллар муаммоларини ҳал этиш, уларга кўмак бериш ҳамда «Аёллар дафтарининг 5-босқичини шакллантириша фаоллик кўрсатган 38 нафар хотин-қиз вилоятнинг Чимён кишлодигари сиҳатгоҳга, шунингдек, ёш авлод таълим-тарибиясига муносиб ҳисса кўшиб келаётган 53 нафар фидойи ўқитувчи ҳамда «Оқила аёллар» ҳаракати фаоллари Федерация тасарруфидағи «Заркент» согломлаштириш марказига дам олишига юборилди.

Табиийки, бу каби хайрли ташаббус фарғоналик хотин-қизларни беҳад руҳлантириди.

- Очигуни айтсан, бу мен учун кутилмаган совға бўлди. Мана, ҳозир Тошкент вилоятининг сўлім гўшасида жойлашган «Заркент» сиҳатгоҳида дам олиб, саломатлигимизни тикляяшимиз, - дейди Риштонумни «Оқила аёллар» ҳаракати раҳбари Бибишва Саидова. - Сира эсманд чиқмайди: ушбу маскан фадалданшига топширилганини ОАВлар орқали кўриб, ҳавас қилгандим. Бугун ниятим амалга ошиди. Ушбу хайрли ташаббус учун касаба уюшмалари ташаккур айтамиз.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

КЎНГИЛЛАР ЯЙРАДИ

Элда ҳамроҳнинг яхшилиги узоқ йўлни яқин қиласи деган гап бор. Кўнгиллари, ҳаёт тарзлари бир-бирига яқин сирдарёлик 100 нафар опа-сингиллар кўхна Хоразмга ўзаро диллашиб бориб келишиди.

«Аёллар дафтари»да турган, шу сабаб тадбиркорлигини йўлга кўйб, оиласий шароитини ўнглаб олган, айримлари бокувчисини йўқотиб, фарзандлари тарбияси йўлида бироз толиккан, тиббий ёрдам еки ижтимоий ҳимояига муҳтоҷ буёлларнинг деярли барчаси бундай олис сафарга биринчи марта йўл олишлари эди. Таассуртларнинг адоди йўк. Ҳар жиҳатдан тетикашига сабаб бўлған кўнгиллар саёҳатни Федерациянинг Сирдарё вилояти кенгаси уюштириди.

- Хоразмга уч кунлик белуп саёҳатга борасизми, деб сўрашганида, тўғриси, ишонмадим, - дейди Гулистон шахридаги «Тараққёт» маҳалласида истиқомат килиб Адолат Мавлонқулова. - Бизга кўрсатилган бу ётибордан бошимиз осмонга етиди. Очиги, бундай муборак жойларни зиёрат қилиш мен учун орзу эди. Ҳайратимнинг чеки йўк. Ўз кўзигн билин кўрган бошқа экан.

- Азиз меҳмонлардай иззатда бўлдик, - Сайхунобод туманинг «Ўзбекистон» маҳалласида яшовчи Каромат Турдиева кўлларни кўксига кўйиб, миннатдорчилик билдиради.

- Опа-сингилларимизнинг кувончини бир кўрсангиз эди, - дейди сафар давомида саёҳатчilarга ҳамроҳлик килган Гулистон шахар хотин-қизлар бўлими боз мутахассиси Умидга Султонова. - Мусиқали дам олишлар, уч маҳал иссиқ таомлар хаммага ёқди. Урганч, Хива, айниқса, Ичан қалъа уларни жунбушга келтириди.

Саёҳат ҳамманинг бир-бири билан танишиб, марокли сухбатлар куришига, кўнгилларнинг яқинлашишига сабаб бўлди.

Хайрулла АМИНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Сирдарё вилояти
кенгаси бўлум мудири

Бухоро вилояти

НУРОНИЙЛАР САЁҲАТДА

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиши соҳалари ходимлари касаба уюшмаси тизимида фаолият олиб бораётган буҳоролик ишчи-ходимлар, уларнинг оила аёзлари ҳамда Ромитан туманида истиқомат қилаётган бир гурӯҳ нуронийларнинг Хоразм вилоятiga саёҳати ташкил этилди.

- Хивадаги тарихий обидалар менда олам-олам фаҳр уйғотди, - дейди Фатулло Саъдиеv. - Иккى кун давомидаги бузга хизмат кўрсатган меҳмонхона ва транспорт хизматларининг намуналии йўлга кўйилганига ишонч ҳосил қилдик. Айниқса, ибодатларимизни ўз вақтида адо этишимиз учун рисоладаги шароитлар яратилди. Саёҳат ташкилотчilarидан миннатдормиз.

Абира ИМОМОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Бухоро вилояти
кенгаси мутахассиси

Тошкент вилояти

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси етакчи мутахассислари, вилоят кенгаси вакиллари, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси вилоят бирлашган кўмитаси аёзлари ҳамда ихтинослаштирилган санъат мактаби жамоаси иштирок этди.

Йилинда иш берувчи ва касаба уюшма кўмитасининг хибботлари тингланди.

- Таддим мунассасасида бугун 153 нафар ходимлар юритади, - дейди бошлангич касаба уюшмаси раиси Шахноза Исломова. - Барча ходимлар касаба уюшмаси кўмитасини яхши ҳис килишида. Ҳусусан, ўтган йил давомида айрим ходимларга оиласий таддим ва бошқа мухим кунлар муносабат билан иш ҳақиқатида сақланган ҳолда таътиллар берилди. Шунингдек, мунассасада ёш ходимларга ҳам aloҳида ёзтибор қаратилиди. «Энг фаол ёш ходим», «Эркин фикр», «Ёшлар минбари» каби услурларда улар билан кўргор бирор шиљаб, кўллаб-куватлаб бориши максади йўлга кўйилган.

Шунингдек, Ангрен шахридаги 10-сонли болалар мусика ва санъат мактабида ҳам жамоа шартномаси бажарилишига бағишиланган меҳнат жамоасиning умумий йигилиши бўлиб ўтди.

- Жамоа шартномаси иш берувчи ва касаба уюшмаси ташкилоти ўртасида тузилган мухим ҳужжат, - дейди бошлангич касаба уюшма ташкилоти раиси Носиржон Раҳматов.



Муҳокама

ИЖРО ҚОНИҚАРЛИ

Бекобод шахридаги ихтинослаштирилган санъат мактабида 2023 йил давомида жамоа шартномасининг бажарилишига бағишиланган умумжамоа йигилиши бўлиб ўтди.

Худудий кенгаш томондан ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мактабидаги ишларни таътиллаш, концерт ва театр томондаги куришида энг катта куч, бу - ёшлар» шири остида касб-хунар мактабларида, олий ўқув юртларида ёшлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Қай соҳада бўлмасин, астайдил излаётганларнинг мунамоларига ечим топилмоқда.

Ҳар иккى таддимда ҳам жамоа шартномасининг бажарилиши кизғин тарзда муҳокама килинди ва фаолият қониқарли деб топилди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Суҳбатлар бошлангич босқич талабаларини ўзига ишончи ортишга, келажак сари илдам қадам босишига руҳлантириди.

Шундан сўнг Транспорт, ўйл ва капитал курилиш, курилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси Мирзиёд Юсупов талабаларга касаба уюшмалари фаолиятига оид тушунчалар берди. Шунингдек, касаба уюшмалари аёзлик афзалликлари, жамоа шартномасинида ишларга учрашувлар ташкил этилмоқда. Қай соҳада бўлмасин, астайдил излаётганларнинг мунамоларига ечим топилмоқда.

Шундай таддимлардан бири 2 минг 146 нафар талаба таҳсил олаётган Андижон иктисодидёт таддимларни куришида энг катта куч, бу - ёшлар» шири остида касб-хунар мактабларида, олий ўқув юртларида ёшлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Қай соҳада бўлмасин, астайдил излаётганларнинг мунамоларига ечим топилмоқда.

Мунаккисида ишларни иш билан таъминлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мактабидаги ишларни таътиллаш, концерт ва театр томондаги куришида энг катта куч, бу - ёшлар» шири остида касб-хунар мактабларида, олий ўқув юртларида ёшлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Қай соҳада бўлмасин, астайдил излаётганларнинг мунамоларига ечим топилмоқда.

Мунаккисида ишларни иш билан таъминлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мактабидаги ишларни таътиллаш, концерт ва театр томондаги куришида энг катта куч, бу - ёшлар» шири остида касб-хунар мактабларида, олий ўқув юртларида ёшлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Қай соҳада бўлмасин, астайдил излаётганларнинг мунамоларига ечим топилмоқда.

Самарқанд вилояти

Санъат

ЁШЛАР ВА ШАШМАҚОМ

Ҳамид Олимжон номли Самарқанд вилояти драма театрида «Шашмақом» халқ ансамблининг «Мусиқий мерос» деб номланган театрлаштирилган концерт дастури намойиш этилди.

Маданий таддимда корхона ва ташкилотларда меҳнат килаётган 570 нафар ёш ишчи-хизматчи катнашди.

Бегзод НУРБЕКОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Самарқанд вилояти
кенгаси бўлим мудири



КИТОБХОН ХОДИМ

Қорақалпогистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига қарашли Республика болалар кутубхонаси, Нукус шаҳар Мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда Таддим ван фан ходимлари касаба уюшмаси Нукус шаҳар кенгаси ҳамроҳликдиги шаҳардаги таддим мунассасаларида фаолият юритаётган ходимлар ўртасида «Китобхон ходим» кўрик-тандловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Иштирокчilar ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон адабиётларидан ўқиган китобхони бўйича

билимларини синовдан ўтказиши.

Таддим мунассасаларида фаолият юритувчи педагог-ходимларнинг китоб ўқишига бўлган қизиқини ошириш орқали уларнинг билими ва дунёкашини бойитиши, мунассасаларда ижтимоий-маянвий мухитни янада соғломлаштиришини максад қилган танлов анча кизигин кечди. 1-ўринга шаҳардаги 48-умумтаддим мактабидан М.Кайланова муносиб кўрилган бўлса, 2-ўрин 45-мактабдан Б.Маннанова, 3-ўрин И.Юсупов номидаги ижод мактабидан Б.Сарбаевага наисбет этиди.

Якунда ғолиблар диплом ва эсдалик совғалири билан таъмирланди.

Мурат Дауладаев,
Таддим ван фан ходимлари касаба уюшмаси
Нукус шаҳар кенгаси раиси

Қашқадарё вилояти

Мусобақа

СПОРТСЕVAR АЁЛЛАР

Шахрисабз шахридаги 2-умумий ўрта таълим мактабида «Аёллар спартакиадаси» ташкил этилди.

Мусобақада шахардаги мактабгача ва мактаб таълими мунассасаларида ишлайдиган 350 нафар спортсевар хотин-қиз волейбол, шахмат-шашка, стол тениси, дартс турлари бўйича беллашиши.

Голиб ва совинроллар эсдалик совғалири билан таъмирланди.

Умиджон ОРИҚОВ,
Таддим ван фан ходимлари касаба уюшмаси
Шахрисабз шаҳар кенгаси раиси

Касаба уюшмасидаги фаол меҳнат қилаётган 60 нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этган таддимда ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова қизиқарли маъруза ўқиб, бадиий чиқиши килди. Тажрибали псиҳолог Ширин Тошхўжаева эса хиссий ўзриқишиларини барта-раф этиш, шахсларро муносабатларни яхшилаш, ўз устидаги зиқарли маъруза ўқиб, бадиий чиқиши килди. Тажрибали псиҳолог Ширин Тошхўжаева эса хиссий ўзриқишиларини барта-раф этиш, шахсларро муносабатларни яхшилаш, ўз устидаги зиқарли маъруза ўқиб, бадиий чиқиши к



Ўқув-семинар

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашини томонидан Урганч шаҳридаги бошлангич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари учун ўқув-семинар уюштирилди.

БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ КУЧЛИ БЎЛСА...

Анжумани Маданият, спорт ва туризм ходимлари Хоразм вилояти бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Алишер Салаев олиб борди. Республика кенгашининг ходимларнинг ижтимоий манфаатларини хімоз килиш бўйича бош мутахассиси Умид Холиков ходимлар манфаатдорлигини таъминлашда бошлангич касаба уюшма ташкилотпенинг ўрни, 2024-2026 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаларини имзолашда эътибор каратиш керак бўлган жihatлар, унинг ижроси бўйича жамоат назорати олиб боришнинг ахамияти кенг ва атрофличи тұтадиди.

- Конституцияга кирилтган ўзгартиш ва кўшимчалар, Мехнат кодексининг амалиётта татбиқ килингани касаба уюшмалари фаолиятига ҳам янгича ёндашув тақосоз этмоқда. Жамоа шартномаларида ҳар бир аъзо манфаати ифодаланишига эришиш ўта мухимдир, - деди Умид Холиков.

Бош мутахассиси бу борада кўргазмали тақдимотида батағсиз маълумот берди, бошлангич ташкилотлар раисларини кизиктирган кўплаб саволларга жавоб кайтарди.

- Тармомимизда бошлангич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қартилмоқда. Боиси - бошлангич ташкилот кучли бўлса, Устав талаблари асосида фаолият олиб бора, аъзолар манфаатдорлиги ортади, - деди Алишер Салаев.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»



Сирдарё иссиқлик электр станицаси акциядорлик жамиятида меҳнат муҳофазаси ва хавфизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш намуналий юлга кўйилган.



Сирдарё вилояти

ҲАМ ДАМ, ҲАМ БИЛИМ

Корхонада ҳар йили «Меҳнат муҳофазаси хафтаглиги» ёзлон килинади ва кўрик-танлов ўтказилади. «Энг яхши касаба уюшма кўмитаси» номинацияси бўйича ғолиблар аниқланиб, рафбатлантирилади. Ўтган йилги республика кўрик-танловидаги «Энг яхши касаба уюшма кўмитаси» ҳамда «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вақти» номинациялари бўйича голиблар каторида улар ҳам бор. Табиийки, бу ютуқларга доимий равишда ўз билим ва малакаларни ошириш эвазига эришилмоқда.

Корхонада фолиоят юритаётган цех ва бўлим касаба уюшма кўмиталари етакчилари, фаоллари ҳамда меҳнат муҳофазаси вакилларининг малакасини ошириш учун ўтказиладиган навбатдаги ўқув-семинарга Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган «Crystal resort» дам олиш маскани танланди. Тоғ ён бағрида, гўзл манзаралар куршовида семинар иштирокчилари Энергетикин, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси раи-

си ўринбосари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Сирдарё вилояти кенгашини меҳнат ҳуқуқ инспекторлари, малакали мутахассисларнинг «Уч погонални», «Меҳнат кодекси ва меҳнат муҳофазаси» мавзуларидаги амалий дарсларида фаоллик кўрсатиб, керакли сабокларни олдилар. Кейинги куни эса олган билим ва малакалари «Заковат» интеллектуал ўйини жараёнида синовдан ўтказилди. 8 та жамоа ўртасидаги беллашувлар қизғин кечди.

«Амирой» тог-чанған курортига килинган саёҳат ҳам иштирокчиларга ўзгача ҳузур бағишилади. Энергетиклар билимларини бойитиб, дам олиб, кўтаринки руҳ билан яна қадрдан иш жойларига қайдидilar.

Ширинхон УМАРАЛИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси
Сирдарё вилояти кенгашини меҳнат ҳуқуқ инспектори



Андижон
вилояти

УСТАМА НОТЎҒРИ ҲИСОБЛАНГАН ЭКАН

Улугнор тумани тиббиёт бирлашмаси шифокор-психиатри
Санобархон Мирзаева Соғлиқни саклаш ходимлари касаба уюшмаси
Андижон вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Унинг арзида конундан белгиланган кам иш ҳақи ҳўтанаётганидан шикоят килинган эди.

Мурожаат ўрганилганда, катор конунбузилинг ҳолатлари аниқланди. Ҳусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билин 2023 йил 1 июндан бошлаб, устама 50 foiziga қўтирилди. Аммо С.Мирзаевага 2017 йилдан бери 15 foiz микдорида кўшичча ҳақ тўланган, холос.

Шифокорнинг манфаатини кўз-

микдордаги кўшичча тўловларни амалга ошириш белгиланган эди. Президентнинг 2023 йил 19 июндаги «Ахолининг руҳий саломатлигини муҳофаза килиш хизматини янада ривожлантириш» чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билин 2023 йил 1 июндан бошлаб, устама 50 foiziga қўтирилди. Аммо С.Мирзаевага 2017 йилдан бери 15 foiz микдорида кўшичча ҳақ тўланган, холос.

Шифокорнинг манфаатини кўз-

лаб, Фуқаролик ишлари бўйича Бўстон туманлараро судига даъво аризаси кирилди ва адолат кўргонинг ҳақ қилив карори билан иш берувчидан 26 миллион 302 минг 188 сўм кўшичча иш ҳақи ҳамда 3 миллион сўм майнавий зарар ундириб берилди.

Маълумот ўрнида: Соғлиқни саклаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгашида ўтган йилда 236 та мурожаат ўрганилиб, 37 нафар ходимнинг ҳақ-ҳуқуки тикланди. Улар фойдасига иш берувчилардан 776 миллион 989 минг 574 сўм моддий зарар ундирилган.

Шахобиддин ДЕҲҚОНОВ,
Соғлиқни саклаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



Анжуман

ПИЛЛАЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Юртимизнинг қишлоқ жойларида пилла боқмаган хонадон бўлмаса керак. Деярли ҳар бир оиласда бу борада тажриба ва кўнгилмалар мавқуд. Аммо иқлимининг тъсири, хўжаликлар мулкчилик шаклининг ўзгариши ва бошқа оиласидан сабаб сўнгги йилларда пилла боқиша қизиқиш камайгандек.

Карши шаҳрида 2024 йилда пилла етишириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва мавсумни уюшмоклик билан ўтказиш мақсадида ташкил этилган семинарда кўплаб кумуш тола замхатларни, ҳусусан, касаначи хотин-қизлар қатнашди.

Анжуманда қашқадарё вилояти ҳокими Муротжон Азимов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кашқадарё вилояти кенгашини раиси Баҳтиёр Жўраев пиллакорларни кизиктирган саволларга жавоб кайташибди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Комила Каромова юртимиз пиллакорла-

рига яратилган имтиёзлар ҳақида тўхталиб, бир ой пилла парвариш кўлган фуқароға меҳнат дарфтарчasi очилиши ҳамда унга бир йиллик иш стажи қайд этилишини ҳам эсласиб тұтди.

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлари Облаёт Боймиров сўзга чиқиб, сўнгти тўрт йилда худудда олтита пиллани қайта ишлаш корхонаси ишга тушганини таъкидлadi. Ваҳоланки, 2019 йилда вилоятда биргина «Radiant Silk» масъулияти чекланган жамиятида пиллани қайта ишлаш имкони борди.

Косон тумани «Гувалак» қишлоғида яшовчи Акмал АБДИЕВ «ISHONCH»

пиллакор Гулсун Абилова эса ёшларни пиллачилликдаги янгиликлардан, соҳанинг сир-синоатлари, заҳматларидан хабардор килиш учун пилла боқиши мавсуми бошланиши арафасида ўқув-семинарлар, ўқув курслари ташкил этиш тақлифини билдириди.

Семинар сўнггида вилоят ҳокими Муротжон Азимов соҳа мутасаддиларига пиллакорларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, илгор хизматчиликларни муносиб рағbat-чиларни бўйича тегишилди.

Борди.

Ишни кирилди.

Муроджон Абдилов

«ISHONCH»



Қорақалпогистон Республикаси

Спорт



УЛАРНИНГ БАРЧАСИ ФОЛИБ

Нукус шаҳридан Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича
Нукус олий спорт маҳорат мактабида парапаэрлифтинг бўйича
Қорақалпогистон Республикаси чемпионати ўтказилди.

Унда кирк нафардан зиёд параспорччи иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Коракалпогистон кенгашини раиси ўринбосари Мурат Данияров, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси Коракалпогистон Республикаси бўлими ижрочи директори Ислом Рӯзибаев, Парапаэрлифтинг бўйича Коракалпогистон Республикаси катта тренери Мансур Чашемов мамлакатимизда имконияти чекланган инсонларни кўллаб-куватлаш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётганди, уларни оммавий спорт машгулотларига кенг жалб килиш орқали жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашди.

- Бугунгич чемпионатда 97 вази тоифасида 1-ўринни кўлга киритганиндан хурсандман. Назаримда, бу ерда ҳозир бўлгандарнинг ҳар бири қайсирид майнода фолиб, - дейди нукуслик Даврон Кутлимуров.

Мусобака якунида ғолиблар диплом ва эсдалик совфалари билан тақдирланиши.

Сейтмурат ШАРИПОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Жисмоний тарбия ва спорт-созломлаштириш
ишлари бошқармасининг Коракалпогистон
бўйича масъул ташкилотчиси



Тақдимот



Бугун ер шари ҳамон идишдаги
сувдек қалқиб турибди. Бир
томонда миллатчилик ниқоби
остида хуруқлар, жангу жадаллар
кечаётган бўлса, бир томонда ер,
ҳудуд талаши давом этмоқда. Ва
хеч ким давлатларни, халқларни
бундай хуруқлар, босимлардан
хўмояшга кафолат бермаган.

Бундай пайтда ҳар бир давлат ўз фуқароларида миллий ўзлик ва миллий фурур туйгуларни кучайтириши зарурати туғилади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси хомийлигидаги нашр этилган «Миллатпарвар» китоби ва «Ватан» журнали миллий медиа контентимизда миллий фурур туйгусини кучайтиришга муносиб хизмат қиласи, деб бемалол айтиш мумкин.

«Миллатпарвар» китобида сиёсатчусон Кудратилла Рафиқовнинг янгиланётган ўзбекистон сийратига чизигилари - Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги мамлакатимизда амалга оширилётган ислоҳотлар мазмунига бағишиланган публистик мақолалари ўрин олган бўлса, «Ватан» Янги Ўзбекистон киёфасини кенг жамоатчилик ва академик доираларда юксалтиришга хисса кўшиш, ўқувчиликни буғун дунё илм-ғанида, сиёсий ва ижтимоий ҳаётида кечайётган тенденциялар билан яқиндан таништиришга хизмат қиласи.

«Ватан»нинг илк сонида Фитрат, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Кудратилла Рафиқов, Фарҳод Толипов, Қозоқбай Йўлдош, Хайрийдин Султон, Элдор Асанов, Ўрол Содиқ ва яна бошқа муаллифларнинг Ватан, тил, миллат мавзузыни тарихий шахсларимиз, аждодларимиз ҳақидаги илмий маколалари ўрин олган.

Яқинда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашини таъкидларни шаҳридан мавжуд олиб бора, тадбирни таъкидларни кетти. Тармок раиси Равшон Бедилов ва «Ватан» журналини баш мухаррири Ҳусан Эрматов қатнашган мазкур тадбирда «Миллатпарвар» китоби билан бирга «Ватан» журналининг ҳам тақдимоти бўлди.

«Best realtor»
МЧЖ Фаргона
Минтақавий
филиали бошланғич
баҳоси босқичма-
босқич ошиб
бориши тартибида
үтказиладиган очик
аукцион савдосига
таклиф этади!

Аукцион савдосига «Ўзбекистон пахта тозалаш корхонаси» акциядорлик жамиятининг 05.03.2024 йил кунги № 11-сонли буюртма хатига асосан куйидаги бино ва иншоотлар кўйилмокда:

1. Фурқат тумани, «Навбахор» МФЙ, Темирйўлчилар кўчаси, 185А-йда жойлашган, бошланғич баҳоси 41 908 000 сўм бўлган савдо дўкони бино ва иншоотлари;

2. Ўзбекистон тумани, «Кудаш» МФЙ, Оқ олтин кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси 163 800 000 сўм бўлган ҳаммом биноси.

Аукцион савдоси 2024 йил 8 апрель куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аукционда қатнашиш учун буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00дан 16:00 гача қабул килинади (13:00дан 14:00 гача тушлик).

Буюртмалар қабул килишининг охири муддати: 2024 йил 5 апрель, соат 16:00.

Савдо қатнашиш учун буюртма билан биргаликда кўйидагилар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатни савдода қатнашиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибида расмийластирилган, унинг шахсини тасдиклайдиган хужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, конун хужжатларида белгиланган тартибида расмийластирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиклайдиган хужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк хисобракамига закалат тўланганигини тасдиклайдиган тўлов хужжатининг нусхаси.

Савдо голибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичida со туви билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилиди.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 (ён беш) фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси - «Best realtor» МЧЖ-нинг кўйидаги хисобракамига закалат келишув шартномасига асосан ўтказишлар шарт: x/r: 2020 8000 4004 3360 1012. МФО: 00491, «Трастбанк» ХАБ Фаргона филиали. СТИР: 303179580, ОКОНХ: 84300.

Савдо ташкилот-чинининг ва савдо ўтказиладиган манзил: Фаргона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-йй, 3-кават. Телефон: (9985)402-54-75. www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

Лицензия RR-0225.



ISSN 2010-5002
2007-yil
11-yonorda
Ozbekiston
Mabtut va oxborot
agentligiga 116-roqam
bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalarini
tahrir hayati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hayati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharririn
birinchisi o'rinasari),

Mehriddin SHUKUROV
(Mas'ul kitob - «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kitob - «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'lmlar:
Kasaba uyushmalarini hayoti -
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot -
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlari va sport -
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash -
(71) 256-85-43
Marketing va obuna -
(71) 256-87-73

**Hududlardigi
muxbirlar:**
Qoraqalpog'iston Respublikasi -
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati -
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati -
(+998-90) 889-93-38
Jizzax viloyati -
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati -
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati -
(+998-99) 889-90-28
Samargand viloyati -
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati -
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati -
(+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati -
(+998-99) 600-40-44
Farg'onha viloyati -
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati -
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati -
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingen
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta nomi
ko'rsatilishi shart.
**Mualiflilar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.**

Navbatchi muharrirlar:
A. Haydarov,
J. Nahonov

Musahibilar:
D. Xudoberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullayev

Bosishga topshirish vaqt - 21:30
Topshirildi - 22:00

Bahosi kelishigan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonchning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Nashr ko'satkichi: 133

Umumiy adadi 35 087 ta

Shundan:
7431 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi -
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi,
41-uyda;

19 182 nusxasi
«Erudit» MCHJ
bosmaxonasi -
Samarqand shahri,
Sipatmen ko'chasi,
270-uyda;

8474 nusxasi
«Poligraf-Press»
MCHJ bosmaxonasi -
Marg'ilon shahri,
Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq.
Buyurtma G 311

1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба ўшмаси Республика кенгаши



Сиз азиз ва муҳтарам онахонларимизни,
аёлларимизни, опа-сингилларимизни
ҳамда шу соҳада меҳр билан хизмат
қилаётган оқ ҳалат эгаларини
баҳорнинг ilk байрами – 8 март –
Халқаро хотин-қизлар куни
 билан чин қалбдан
муборакбод этади.



Барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик,
дастурхонингизга кут-барака, ўзингизга эса АЁЛЛИК БАХТИни тиляб қоламиз!

Илоҳим, ҳар бир кунингиз байрам, ҳар бир онингиз баҳор бўлсун!

Доимо баҳор гулларидан-да чиройли, нафис, гўзал ва бетакрор
бўлишингиз тилакдошимиз!



Ўзбекистон Транспорт, йўл ва капитал курилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба ўшмаси Республика кенгаши



Азиз ва табаррук оналаримизни, лобар ва муnis
қадрдонларимизни, юртимиз тараққиётiga ўз меҳнатлари
 билан муносиб ҳисса қўшаётган соҳа аёлларини гўзаллик
байрами – 8 март – Халқаро хотин-қизлар
куни билан табриклиди.



**СИЗЛАРГА БАХТ-САОДАТ,
РУХИЙ ТЕТИКЛИК, БАҲОРИЙ
ГЎЗАЛЛИК ТИЛАЙМИЗ.
ОИЛАНГИЗ БАХТИГА
ДОИМО СОҒ БЎЛИНГ!
ҚАЛБИНГИЗДАГИ ҲАММА
ЯХШИ НИЯТЛАРИНГИЗ
ИЖОБАТ БЎЛСИН!**

